

Менинг ўғлим шу йили коллежни тамомлади. Лекин олий ўқув юртига ўқишга киролмади. Шунинг учун бекор юрмаслик мақсадида ишга кирмоқчи. Маъқул келган жойларда бир-икки ой синаб кўрамиз, дейишибди. Олдин синаб, кейин ишга олишлари тўғрими?

7 бет

Рустам тезда етиб келди. У газета парчасига ўралган оғуни танишига тутқазган ҳам эди, ёнига икки-уч нафар одам келиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишди. Шу билан ҳаммаси тугади. Мана энди...

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 17-oktabr, №42 (875)

Ифтихор

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



Тадбиркор элнинг юрти фаровон

Мустақиллик йилларида Жиззах озода ва обод Ўзбекистоннинг кўркам, саноати ривожланган ҳудудлари қаторидан ўрин эгаллади. Замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида акс эттирган муҳташам бинолар, турар жойлар, сўлим оромгоҳлардан бугун кўз қувониб, дил яйрайди. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 19 июндаги вилоятимизга ташрифидан сўнг воҳамиз маркази — Жиззах шаҳри янада кенг қурилиш майдоғига айланди. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, яқин йилларда Жиззах Самарқанда, Андижон, Фарғона, Қарши ва бошқа шаҳарлар қаторидан ўзига лойиқ ва муносиб ўрин эгаллайди.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятда ҳам барқарор ўсиш суръатларининг таъминланаётгани, улкан ютуқ ва муваффақиятларга эса олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири — тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш орқали эришилаётганини барча яхши билади. Шу боис ҳам вилоятда тадбиркорларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги улуши йилдан-йилга ошиб борапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлариغا бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номи маърузасида тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Юртбошимизнинг маърузасида таъкидланишича, биргина ўтган йил давомида тадбиркорлик, ҳусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ олти та муҳим қонун қабул қилинган. Хусусан, "Ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензиялашни талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги бевосита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Шу ҳақда сўз юритган Президентимиз, жумладан, қуйдаги фикрларни билдирди: "Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги таъминли жорий этилган бўлиб, бунда

тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгиланган бўлиши билан таъкидланади".

Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан ана шу қонунлар ҳамда Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи ва соҳага оид кўрсатма талаблари асосида иш юритилиб, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида изчил иш олиб борилаёпти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят прокуратураси органларида ташкил этилган "007" рақамли ишонч телефонларида келиб тушган 172 та muroжаатнинг барчаси ҳал қилиниб, шундан 89 таси қаноатлантирилди. Шу даврда вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлар билан ўтказилган 164 та учрашувлар 14 нафар тадбиркорга 174 млн. сўм кредит олиб берилишида, 4 нафарига қурилиш учун 3,5 гектар, 69 нафар янги ташкил қилинган фермер ҳўжалигига 439 гектар ер майдони ажратилишида, 81 нафарига иш фаолиятини олиб боришга рухсатнома олинишида ёрдам кўрсатилиб, 1250 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

[Давоми 4-бетда]

21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Она тили — миллатнинг руҳи

Туркий халқлар бой миллий маданиятга ва адабиётга эга. Туркий тиллар оиласига мансуб ўзбек тили ҳам жаҳондаги энг қадимий ва бой тиллардан ҳисобланади. Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтган бўлсак, сўз, яъни тил — инсонийликнинг асосий белгиси, бош фазилати. Унда муайян халқнинг ва миллатнинг руҳий бутунлиги намоён, орзу-умидлари мужассам. Тилнинг ривож — миллат ривож, тилнинг бирлиги — миллат бирлиги демакдир.

Неча минг йиллар оша сайқал топиб, турфа маънодаги сўзлар ва халқ мақоллари, фразеологик бирикмалар, турли қоғирим сўзлар ва ҳазил-мutoйибаларнинг кенг қўлланиси туфайли бойиб келаётган тилимизни туркий тилининг барча гўзалликларини ўзида мужассам этган.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк", Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур ва Оғаҳий сингари буюк истеъдод эгаларининг дурдона асарлари она тилимизнинг неча юз йиллар мобайнида сайқал топиб бораётганидан гувоҳлик беради. Атоқли шоирларимиз Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг кўплаб шеърларида ва таржималарида ҳам ўзбек тилининг бой имкониятлари ўз ифодасини топган.

Собиқ шўролар империяси даврида кўпгина халқларнинг тили сиқув доирасида қолган, яъни аста-секин ўз куч-қудратидан маҳрум бўла борган. Руслаштириш сиёсати натижасида айрим ўзбек оилалари тилимизни мутлоқо тушунмайдиган ёки чала биладиган бўлиб қолишлари таъсирини кўрсатади. Ўз она тилини билмайдиган миллат вакили миллий ифтихор, ватанпарварлик ҳиссини англаши ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида келиб, юртимизда ўзбек тили нафақат шу миллатнинг, ҳатто, идоралар, ташкилотлар, корхоналар, ўқув муассасаларида муомала воситаси, ўзаро алоқа қуроли ҳам бўлмай қолди. Миллий тилни йўқотиш миллат руҳини йўқотмоқ эканини англаган халқ, унинг зиёли қатлами шу даврда она тили ҳуқуқларини талаб қилишга киришди. Ўша мураккаб даврда давлат тили ҳақида мақбул тарзда қонуннинг қабул этилишига, унинг босқичма-босқич амалга оширилишининг кафолатланишига давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамо бўлди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилиниб, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди.

Бу ҳақда республикамиз Президенти шундай ёзади: "... Мустақиллик арафасида ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш масаласида қандай қизгин, баъзида кескин ва муросасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтгани беихтиёр ёдимга тушади".

Бу собиқ шўро давлатида бошқарув издан чиқаётган, миллатлар ўз ҳуқуқи, қадрияти учун интилишни бошлаган, миллатлар орасига турли зиддият уруғлари сепилиб, норозилик кучайган, айрим сиёсий гуруҳлар ғаразли ниятларини амалга ошириш ва ҳокимият тепасига яқинлашишга интилаётган бир пайт эди. Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "Мана шундай ўта қалтис ва мураккаб вазиятда агарки озгина эҳтиросга берилсак, ҳушёрлигини йўқотсак борми, арзимаган учқундан ўт қазиб кетиши ҳеч гап эмасди. Марказда ва ўзимизда қулай баҳона кутиб, пайт пойлаб турган империяпараст кучларга айнаш шу нарса керак эди. Аммо биз улар кутган йўлдан бормадик", дея таъкидлаган эди.

Ўша даврда бундай дадил ҳаракат учун катта юрак, буюк маънавий жасорат зарур эди. Бу жасорат, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик сари қўйилган илк дадил қадам бўлганини бугун яхши англаймиз. Бу кун халқимиз қалбига ўчмас из қолдирди. Орадан кўп ўтмай, яъни 1991 йил 1 сентябрда мамлакатимиз истиқлолга эришди. Бошқача айтганда, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши истиқлолимизга дебона бўлди. Мамлакатимиз мустақил бўлган, ўз Конституциямиз қабул қилинди. Унда ўзбек тилининг Давлат тили мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Унинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди", дейилган.

[Давоми 10-бетда]

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузасида демократик ривожланган давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш тамойиллари чуқур таҳлилий асосда кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, мазкур концепция олимиздаги долзарб вазифаларни аниқ белгилаб бергани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун

Нодирбек РАҲМОНОВ,
Навоий вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси

Навоий вилоят прокуратураси томонидан концепциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида таъкидланган фикр-хулосалардан келиб чиқиб, жойларда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадидаги тадбирлар ташкил этилмоқда.

Концепцияда таъкидланганидек, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги мавжуд сиёсий партияларнинг етуклик даражаси, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор улкан масъулиятли вазифаларни қай даражада уйдлаётганига боғлиқ. Шу боис барча тадбирларимиз, учрашув-мулоқотларимиз сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорликда ўтказилаяпти.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари мақсад-моҳиятини тарғиб қилиш борасида 100 дан зиёд давра суҳбатлари, конференция ва семинарлар уюштирилди. Бундай тадбирлар Зарафшон шаҳрининг "Олтин водий", "Шахтёр" ҳамда "Зарапётян" номи маҳалла фуқаролар йиғинлари, Навоий шаҳрининг "Умид", "Баҳор" ва "Гулзор" маҳаллалари, шунингдек, барча туманлардаги маҳаллалар фуқаролари билан ўтказилди. Шунингдек, концепцияда ахборот соҳасини ислох қилишда бевосита соҳа ривожини таъминлаш билан бирга, инсонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг ҳақиқий демократик кўринишдаги йўналишлари ҳам баён этилган. Жумладан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имконини беради.

Вилоят, шаҳар ва туман прокуратуралари томонидан мазкур қонун давлат ҳокимияти органларининг фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида жамоатчиликни хабардор этиш омили эканлигини фуқароларга тушунтириш мақсадида семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш билан бирга, ОАВда чиқишлар қилинмоқда. Яқинда Зарафшон шаҳридаги "Олтин водий" маданият саройида 250 нафар фуқаро ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида ана шундай давра суҳбати ўтказилди.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда маҳалла тизими тобора ривожланмоқда. Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга хизмат қилувчи янги тахирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги концепциянинг амалдаги ифодасидир. Айни пайтда прокуратура органлари томонидан мазкур қонунлар тарғиботида бағишланган давра суҳбатлари ҳам ташкил этилмоқда.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига айланган бўлиб, соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилган. Концепцияда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий қафолатларни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолиятида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни шакллантириш хусусида ҳам сўз боради.

Эътироф этиш лозимки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун жорий қилинди ва айти пайтда бу муҳим ҳужжат янгидан-янги оилавий корхоналар, тадбиркорлик субъектларининг вужудга келишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб, маҳсулот ва хизмат турларининг кенгайишига омил бўлмоқда.

Прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида тадбиркорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу ўз навбатида фуқаролар ҳуқуқий-сиёсий фаоллигининг ўзига хос кўринишини ҳам таъминлаш шубҳасиздир.

Мухтасар қилиб айтганда, Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" биз истаган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда энг муҳим дастурил-амал вазифасини ўтайди.

«Хизмат ҳақи» буюрмади

Кўпинча билиб-билмай қонунбузарликка йўл қўйилади. Бундай пайтларда ҳолатга қараб, тегишли чора кўрилади. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай қонунбузарликка яраша тегишли жазо тайинланади. Жазонинг турлари кўп бўлиб, масалан, агар қонунбузарлик молиявий характерда бўлса, демак, жарима тайинланади. Жаримани ундириш эса тегишли тартибда суд қарорларини ижро этиш бўлими тайинлашига олиб келиди. Бундан қарангки, хизмат вазифасига ана шундай масъулиятли юмушни бажариш топширилган айрим суд ижрочилари ўзларига юклатилган ваколатдан ғаразли мақсадларда фойдаланишни маъқул кўрлар. Оқибатда эса...

Аброр АРИПОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
катта терговчиси

маслаҳатлашиб олган эди.

Хуллас, дўк-пўписадан чўчиган жамият таъсисчиси кўп ўтмай унга 1000 долларни келтириб беради. Т.Мамедов пулни шу кунгича М.Содиқовга етказди ва "қонунбузар"ларга кўнғирок қилиб, ўзининг "ҳақи"ни ҳам эсдан чиқармасдан, тезда келтириб беришни тайинлайди.

Шундан кейингина жамият таъсисчиси суд ижрочиларининг мақсадларини пайқаб қолади ва вақтни ўтказмай, тегишли идораларга ариза билан муурожаат қилишга қарор қилади.

Бу сафар пулни олиш учун Турсунбой Мамедовнинг ёлғиз ўзи эмас, унга қўшилиб Маъмур Содиқов ҳам бирга келади. Улар кимёвий ишлов берилган 1000 АҚШ долларини олган вақтларида холислар иштирокида қўлга олинди.

Шундай қилиб, тайинланган молиявий зарарни ундириш имкони бўлмаганлиги боис, ижро юритиш тамомланиб, ижро ҳужжати эса ижросиз қайтариб берилиши лозим бўлган вазиятдан "унумли" фойдаланиб қолишни кўзлаб қараган суднинг қора курсисидан жой эгалладилар ва уларга қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

"Магнолия голд" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари томонидан содир этилган қонунбузарликлар охири-оқибат уларга нисбатан 1 млрд. 235 млн. 200 минг сўм миқдориде молиявий жарима тайинлашига олиб келди. Пойтахтдаги туманлардан бирининг суд ижрочилари бўлимига жаримани ундириш юзасидан ижро варақаси келиб тушгач, ушбу вазифа суд ижроси лавозимиде ишлаётган Маъмур Содиқов(исм-фамилиялар ўзгартирилган)га юклатилди. М.Содиқов ўз навбатида ижро ишини кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Шунингдек, жамиятнинг мол-мулкидан жарима ундириш бўйича тегишли идораларга сўрономалар тайёрлашни қўшни тумандан бўлимга ёрдам бериш учун хизмат сафарига юборилган Турсунбой Мамедовга топширади.

Айни шу ҳолатгача ҳаммаси рисоладагидек кетаётган

эди. Орада тегишли сўрономаларга МЧЖнинг балансиде ҳеч қандай мол-мулк йўқлиги ҳақида жавоблар ҳам келади, жамият таъсисчиси эса хабар олиш мақсадида Турсунбой Мамедовга учрашади. Суд ижроси бўлса унга ҳақиқатни айтмай, корхонага белгиланган молиявий жаримани ундириш масаласини қонуний йўл билан, яъни банкротлик орқали тугатиш мумкинлигини айтиб, бунинг учун бор-йўғи 5 минг АҚШ доллари миқдориде "хизмат ҳақи" сўрайди. Шунингдек, гап орасида агар унинг "ёрдами"дан бош тортса, жиноят ишлари бўйича уларга қайтарилиши лозим бўлган товар-моддий бойликларнинг қайтариб берилишига тўсқинлик қилиши-ю, жаримани судга муурожаат қилиб, шахсий мол-мулк орқали ундиришга қаратишни кистириб ўтади. Албатта, у ушбу масала юзасидан бундан аввалроқ Маъмур Содиқов билан

Кирдикори фрош бўлди

Улуғбек МАМАРАЖАБОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
катта суриштирувчиси

Мамлакатимизда инсон ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилишга онд қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг саломатлигини сақлаш, улар учун соғом муҳитни вужудга келтириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилган. Қолаверса, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш уни ҳар томонлама ривожлантириш, давлат ва назорат органларининг улар фаолиятига ноқонуний аралашуви қатъий тақиқлангани, ишбилармонларга эркин фаолият кўрсатиш имконини бермоқда.

Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти идоралари томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, соҳа ривожини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Спирт, алкоғолли маҳсулотлар ва акциз солиғи солинадиган товарларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилатганига қарамадан, ўтказилган текширишларда спирт, алкоғолли маҳсулотларни яширин ишлаб чиқариш, уларни ноқонуний равишда муомалага киритиш ҳолатлари учрамоқда. Буларнинг барчаси давлат манфатларига сезиларли иқтисодий зарар етказмоқда, кишиларнинг саломатлигини хавф остига қўйиб, истеъмолчилар ҳуқуқларининг камситилишига олиб келмоқда.

Баъзи фуқароларимиз ўз манфаатларини ўйлаб, инсон саломатлигига жиддий путур етказиши мумкин бўлган ёки хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган алкоғолли

маҳсулотларни муомалага киритишга уринишмоқда.

Ана шундайлардан бири Рустамбек Маъмурдов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бўлиб, у жамият учун бирор-бир фойдали фаолият билан шуғулланмасдан, осон ва мўмай даромад ортиштириш каби ғаразғўйлик мақсадларини кўзлаб, номаълум шахслардан виски ичимлигини сотиб олади. Ушбу алкоғолли маҳсулотларнинг 24 донасини ўзи томонидан таъсис этилган жамиятга қарашли савдо дўқони орқали сотиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келган.

Бундан ташқари, Департаментнинг Сергели туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, Р.Маъмурдовга тегишли бўлган машина кўздан кечирилганда, чет элда ишлаб чиқарилган, акциз маркалари бўлмаган умумий баҳоси 17 млн. 580 минг сўм бўлган виски маҳсулотлари мавжудлиги ва сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг хулосасида виски маҳсулотлари инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, суд томонидан Р.Маъмурдовга нисбатан қонуний жазо берилди. Бу каби ҳолатлар Р.Маъмурдов сингари эгри йўлни танлаган кимсаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланган ҳолатлар ва уларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чораларни баён этиб ўтишдан муродимиз тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ манфаатлари қонун муҳофазасида эканлигини яна бир қарра таъкидламоқдир.

Тадбиркор элнинг юрти фаровон



/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан шунингдек, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органлари текширилганда, айрим масъул ходимларнинг ўзларига юқлатилган вазифаларга бепарво муносабатда бўлганлиги оқибатида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид равишда ноконун қарорлар қабул қилиниши, мурожаатларнинг ҳал қилинишини пайсалга солиш ва шу каби бошқа қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, Бахмал туман ҳокимининг қарори билан туман ҳокимлиги ҳузуридаги янги қуриб битказилган бино ва ишоотларни ҳисобга олиш ва фойдаланишга қабул қилиш доимий комиссиясининг даъвономаси тасдиқланиб, фуқаро А.Ганиев томонидан капитал реконструкция қилинган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга қабул қилинган. Мазкур объект ҳолати ўрганилганда эса, қурилош ишлари тугалланганлиги маълум бўлди.

Худди шундай ҳолатларни Дўстлик, Фориш, Арнасой, Мирзачўл туманларида ҳам кузатиш мумкин. Оқибатда мазкур объектлар текшириш кунига қадар ишга туширилмаган.

Бахмал туман ҳокимининг қарори билан "Жавлонбек Фарходбек" хусусий фирмаси томонидан пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиниб, ОАТБ "Микрокредитбанк" Фаллаорол филиали ўртасида тузилган микрокредит шартномасига асосан пойабзал ишлаб чиқариш ускунаси ва хомашё сотиб олиш учун 31 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Лекин Тошкент шаҳрида жойлашган "Метлес Легион" МЧЖ раҳбари Г.Игна-тьев хусусий корхона раҳбари Ж.Мамадиёровнинг ишончини суиистеъмол қилган. Яъни корхонада мавжуд бўлмаган махсулотларни етказиб беришни ваъда қилиб, у билан шартнома тузиб, аммо шартнома шартларини бажармасдан, ҳисоб рақамига ўтказиб берилган 31 млн. сўмни талон-тороҳ қилиб юборган. Мазкур

ҳолат юзасидан "Метлес Легион" МЧЖ раҳбари Г.Игна-тьев ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Жойларда, маҳаллий ҳокимликлар ва давлат бошқарув органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонунга зид қарорларни қабул қилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Буни қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин.

Президентимизнинг 2011 йил 18 апрелдаги "Фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 2-бандида фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ равишда тақдим этиладиган даъвоалар асосида суд орқали ҳал қилиниши белгиланган бўлса-да, Зафаробод туман ҳокимининг қарори билан "Кизилтош қирраси" фермер ҳўжалиги ер майдонини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси сув истеъмолчилар уюшмаси раисининг билдиргисига асосан бекор қилинган.

Бундан ташқари, Жиззах туманидаги "Равшан ота" фермер ҳўжалиги раҳбари туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, фермер ҳўжалиги тасарруфидаги 20 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтаришни сўраган. Бироқ туман ҳокими томонидан фермер ҳўжалиги тасарруфидаги пахта ва галлачиликка ихтисослашган 42 гектар ер майдонини ҳокимликнинг захира фондига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинган. Захирага қайтарилган 42 гектар ер майдони шу куннинг ўзида Вази-рлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ер участкаларини фермер ҳўжаликлари-га узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низом талабига зид равишда, яъни туман ер участкалари бериш масалалари бўйича комиссияси фермер ҳўжалигига ер участкалари бериш бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказмасдан, танлов комиссиясининг иши натижалари ҳақида вилоят комиссиясининг тасдиғи сўралмасдан, чорвачиликка ихтисослашган "Турдибек" фермер ҳўжалигига бериб юборилган.

Вази-рлар Маҳкамасининг қайд этилган қарори билан тасдиқланган Низом талабига кўра, фермер ҳўжаликлари-га ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқарилганидан сўнг уч кун муддатда ушбу қарор ва танлов комиссияси иши натижалари вилоят ҳокими бошчилигидаги ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини қўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборилиши белгиланган бўлса-да, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу талаблар бажарилмасдан, тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган. Хусусан, "Фаллаорол чарм Файз" хусусий корхонасига 77,9 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини қўриб чиқувчи вилоят комиссиясига 10 ойдан сўнг юборилган.

Худди шу каби қонунбузилиш ҳолатига Фаллаорол туманида 128 та, Жиззах туманида 57 та тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ажратилиши жараёнларида ҳам йўл қўйилган.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқишнинг белгиланган бир ойлик муддатлари ва 21-моддасидаги фуқаронинг мурожаатини қўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни қўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма равишда хабар қилиши шартлиги ҳақида талаблари қўпол равишда бузилган ҳолатлар ҳам аниқланган. Жумладан, фуқаро М.Бобожоновнинг "Кўк бозор" ОАЖ маъмурияти томонидан бозорда савдо қилишга йўл қўйилмаётганлиги ҳақидаги аризаси Жиззах шаҳар ҳокимлигида қайд қилинган бўлса-да, муаллифга жавоб хати берилмаган. Шу каби, фуқаро Л.Жўраева ва бошқаларнинг тандир қуришга рухсат бериш ҳақидаги аризаси мутахассис К.Тўраев томонидан ўрганиб чиқилмаган ва натижа-си бўйича муаллифларга жавоб хати юборилмаган.

Вилоятимиздаги шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда уларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги маълум бўлди. Хусусан, Вази-рлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун

рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тўздан такомиллаштириш тўғрисида"ги 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 73-бандида таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди давлат божи тўлови олиниши кўрсатилган бўлса-да, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси масъул ходимлари тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказишда ушбу Низом талабларини қўпол равишда бузишган. Хусусан, "Жиззахавтойўл" ХЙФДТ директори З.Усмоновнинг корхона низоми ўзгарганлиги сабабли қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги мурожаатига асосан, қайта рўйхатдан ўтказишда белгиланган 45 минг 735 сўм ўрнига энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориди давлат божи ундирилган. Шу йўл билан тадбиркор манфаатига зарар етказилган. Шунингдек,

Аброр САЙЁТОВ,
Жиззах вилоят прокурори
ўринбосари

Фаллаорол туманидаги "Лалмикор алоқа сервис" хусусий корхонаси раҳбаридан ҳам ортиқча равишда 45 минг 735 сўм маблағ ноконуний ундириб олинган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан қайд этилган қонун ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида 3 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Ваколатли органларга 13 та тақдимномалар киритилиб, қабул қилинган 19 та файриқонуний қарорларга нисбатан протест келтирилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар олиб бориляпти. Шу боис тадбиркорларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва амалдаги қонунларга нисбатан ишончи ортиб, яратувчилик фаолияти йилдан-йилга ривож топмоқда.



Саҳифаларда Жиззах вилояти



Истиқлолга ҳамоҳанг одимлар

Ўтган йилларга назар солар эканмиз, муҳтарам Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар изчил амалга оширилганини кўрамиз. Айниқса, етакчи соҳаларни модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Қулай инвестиция муҳити, маҳаллий ва хорижий ишбилармонлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар қўллаб-қувватланган мамлакатларни иқтисодий ҳамкорликка чорламоқда. Бунинг натижасида республикамизнинг кўпгина ҳудудлари жадал ривожланиш йўлига кириб бораёпти. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони вилоятимиз, хусусан, Жиззах шаҳри тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу Фармон асосида бугунги кунда Жиззах шаҳрининг sanoat ҳудудида катта қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Келгусида мазкур ҳудудда машинасозлик ва электротехника, озиқ-овқат ва фармацевтика, тиббиёт маҳсулотлари ва қурилиш sanoati асосида иқтисослашган қўллаб-қувватлар қурилиб, ишга туширилади. Натижада биринчидан, истеъмол бозори ангидан-янги арзон товарлар билан тўлдирилса, иккинчидан, минглаб доимий иш ўринлари яратилди. Аҳолининг турмуш фаровонлиги янада ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилда Юртбошимиз Ислам Каримов ислохотларнинг бориши билан батафсил танишиш мақсадида вилоятимизга ташриф буюрди. Фаоллар, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ва ёшлар билан учрашди. Сўхбатлар чоғида вилоятимизнинг маъмурий маркази — Жиззах шаҳрининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги салмоқли ўрни ҳақида алоҳида тўхташди. Айниқса, Жиззах шаҳрини пойтахтимиз Тошкентдан қолшимайдиган даражага кўтариш, шаҳримизнинг бош режасига киритилиши керак бўлган жиддий ўзгаришлар, бунёд этилиши лозим бўлган иншоотлар, йўللар ва кўприклар, хиёбон ва боғлар ҳақидаги қимматли тавсия ва маслаҳатлари ҳалқимиз кўнгиллини беҳад кўтариб юборди.

Бу йўналишда бошлаб юборилган кенг қўламадиган ишлар натижасида Жиззах шаҳрининг марказий кўчалари кенгайиб, қулай ва шинам, замонавий меъморий ечимга эга кўп қават-

ли уйлар, кенг ва раvon йўللар, 10 дан зиёд истирохот боғлари ва хиёбонлар барпо этилади.

Кувонарлиси, меҳнаткаш ҳалқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожига ўз аксини топмоқда. Масалан, яқинда Галлаорол туманида ишлатилган автошинани қайта ишлаб, хомашё ҳолига келтирадиган, қиймати 1,3 млрд. сўмлик йирик sanoat лойиҳаси — "Алишер-савдо-инвест" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаган бўлса, Бахмал туманидаги "Бахмал вино" корхонасида лойиҳа қиймати 5 млрд. сўмга тенг бўлган, йилига 4 минг тонна мева концентрати ишлаб чиқаришга иқтисослашган линия ишга туширилди.

Истиқлолнинг 22 йиллиги байрами арафасида Жиззахда фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Бу энгил sanoat соҳасида энг йирик лойиҳа ҳисобланган "Жиззах пластикс" Ўзбекистон-Германия кўшма корхонасидир. Корхонада ўтган даврда 47 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги маблағ эвазига кенг қўламадиган реконструкция ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Германия ва Италиянинг бир қатор етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори технологик дастгоҳлар сотиб олинди. Натижада йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 8,5 минг тонна калава иш ва 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келди, энг муҳими, мингга яқин иш ўрни яратилди. Келгусида корхонада яна 4 минг тонна трикотаж матони бўяш ва ишлов бериш, 6 млн. донна тайёр кийим-кечак маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилиши баробарида, қўшимча 700 та иш ўрни яратилади.

Шунингдек, амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижасида вилоят маркази — Жиззах шаҳри янада кўркам қиёфа касб этиб бораёпти. Марказий кўчалар кенгайтирилиб, замонавий иншоотлар ва турар жой бинолари қад кўтармоқда. Хусусан, сўнгги 3-4 йил мобайнида шаҳарнинг Мустақиллик, Буюк Турон,

Дилшод БОЙНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Алишер Навоий ва Шифокорлар кўчаларида катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Кўчаларнинг ёнидаги пастқам уй ва ҳўжалик объектлари ўрнида 2-3 қаватли гўзал замонавий иморатлар қурилмоқда.

Шаҳарнинг асосий савдо марказлари ҳисобланган "Кўк бозор", "Эски шаҳар" буюм ва деҳқон, "Кимёгар" эҳтиёт қисмлари бозорлари бутунлай янгича қиёфага кирди. Хусусан, "Кўк бозор" ҳудудидаги бир қаватли савдо шохобчалари ўрнида кўркам лойиҳалар асосида янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад ростлади.

Айни пайтда Жиззах шаҳрининг архитектура қиёфасини тубдан яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган 2012-2017 йилларга мўлжалланган Дастур асосида қурилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Масалан, "Кўк бозор"га келиб бирлашадиган Тошкент, Богдон, Алишер Навоий номли кўчалар кенгайтирилиб, икки томонлама қатнов йўлга қўйилди. Богдон кўчаси "Кўк бозор"дан бошлаб, Фориш йўналишига қадар узайтирилди. Ўтган йили фойдаланишга топширилган кўркам ва замонавий вокзал биноси ёнидан Мирзо Улуғбек маҳалласини айланиб ўтувчи Богдон кўчасининг давоми Тошкент ва Халқлар Дўстлиги кўчаларига туташиб, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига айланади.

Ҳозирги пайтда Алишер Навоий кўчаси бўйида 5,4 гектар майдонни эгаллайдиган замонавий спорт мажмуаси барпо қилинаёпти. Жаҳон андозаларига мос мазкур мажмуа ҳудудидан ўн минг ўринли стадион, бассейн, теннис корти ва бошқа бинолар жой олади. Мажмуа атрофида каштан, эман каби ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос манзарали дархатлар экилган замонавий хиёбон ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилади.

Бундай эзгу ишлар, қувончли ўзгаришлар, шубҳасиз, мустақиллик туфайлидир. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлганидек, Жиззахда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишларини кўриб кўз қувнайди. Зеро, вилоят аҳлининг фидойи меҳнати, ташаббускорлиги, юрт равақига ҳисса қўшишдек олижаноб мақсадлар билан ёниб яшаш кўнгилларига кўтаринклиги, қувонч ва ғурур бағишлайди.

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва энг муҳими, унинг ҳўқуқий ҳимоясига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Мулк тўғрисида"ги, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда Ер кодексининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши соҳа ривожидagi ислохотларнинг амалга оширилишида муҳим омил бўлди.

Халқ дардида яшаётганлар

Дилшоджон ЎСАРОВ,

Жиззах вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида бошланган фермерлик ҳаракати бугунга келиб ўз самарасини берибгина қолмай, бутунлай янги босқичга кўтарилди. Аграр соҳада етиштирилаётган маҳсулотнинг асосий қисми уларнинг ҳиссасига тўри келяпти. Эътиборлиси, қишлоқ мулкдорлари, деб юритилаётган соҳа вакиллари бугун нафақат ер эгаси, балки sanoat ва қайта ишлаш соҳаларида катта муваффақиятларга эришаётган тадбиркор сифатида ҳам фаол намоён бўлишмоқда.

Жиззах вилояти биринчилардан бўлиб фермерлик мактаби яратилган ҳудуд саналади. Дастлаб вилоятдаги ширкат ҳўжаликлари ўрнида 10 мингдан зиёд фермер ҳўжаликлари ташкил этилган бўлса, кейинги йилларда экин майдонларининг оптималлаштирилиш натижасида фермер ҳўжаликлари ўзига хос саралаш босқичини ўташди. Айни пайтда вилоятда 5 минг 800 дан ортиқ фермер ҳўжаликлари пахта ва галлачилик, мева-сабзавот ва чорвачилик, паррандачилик ҳамда балиқчилик соҳаларида самарали фаолият кўрсатишаёпти.



Фермер ҳўжаликларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ерлар мелiorатив ҳолатининг яхшиланиши, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ва маҳсулот етиштириш ҳажмининг кўпайишини таъминламоқда. Жорий йилда фермерлар 180 минг гектар майдондан 652,2 минг тонна галла йиғиштириб олишди. 2988 та фермер ҳўжалигига тегишли 101,8 минг гектар майдонда парваршиланаётган гуздан ҳам юқори ҳосил олиш кўзда тутилган.

Истиқлол байрами арафасида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги юксак хизматлари учун бир ғуруҳ юртдошларимизга Президентимиз томонидан юксак унвон ва

мукофотлар берилди. Уста деҳқон, Пахтакор туманидаги "Анвар" фермер ҳўжалиги раҳбари, вилоят Фермерлар кенгаши раиси Анорбой Ёшматовнинг давлатимизнинг энг олий мукофоти — "Ўзбекистонда Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлиши жиизахликларга фахр бағишлайди.

Давлатимиз меҳнатдан қочмайдиган, ишининг кўзини биландиган, халқ дардида яшайдиган инсонларни қадрлайди. Бу меҳнаткаш ва фидойи инсон 1999 йилда "Шуҳрат" медалли, 2004 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими" фахрий унвони, 2009 йилда "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланган эди. Дастлаб 1997 йилда 20 гектар ер билан фермер ҳўжалигини ташкил этган Анорбой Ёшматов бирон йил йўқки, шартномавий режаларни бажармаган бўлса. У пахта ва галла ишлаб чиқариш режасини йил сайин ошириб борди. Даромади мўл бўлиб, янги ва қудратли техникалар сотиб олди. Жорий йилда 68 гектар галла майдонидан 450 тонна дон етиштириб, унинг 234 тоннасини давлатга сотди. Қолган қисmini жамоасида меҳнат қилаётган 20 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимларга, маҳалласидаги ҳам таъминланган oilаларга тарқатди. 66,3 гектар ерга чигит экиб, меъёрида парварши қилмоқда. Хар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил етиштириш бўйича шартнома тузган бўлса-да, 50 центнерга яқинлашиб ҳосил кўтариш ниятида. Қолаверса, фермер ҳўжалигида чорвачилик ва богдорчилик бўйича ҳам етарли тажриба бор. Етиштирилаётган маҳсулотлар, аввало, ҳўжалик аъзоларининг дастурхони тўқинлигига хизмат қилмоқда.

Мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво аризаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 248-моддасига мувофиқ, даъвони таъминлаш чоралари кўрилиши мум-

Ҳайдовчининг дам олиши

Кейинги йилларда аҳолига хусусий транспорт хизмати кўрсатиш жуда ривожланиб кетди. Бу борада йўловчи ва юк ташишга ихтисослашган фирмалар ташкил қилинди. Буларнинг барчаси тадбиркорлик, деган ном олади. Лекин бундай иш билан шугулланаётган фирмалар ўзларининг ёлланма ҳайдовчиларининг меҳнат қилиш бўйича ҳуқуқларига риоя этишлари қандай бўлади? Масалан, узоқ йўлга чиқиб кетган ҳайдовчига бориш ва келиш вақти белгилаб қўйилмас. Дам олишни эса ҳисобга олишмайди.

Ч.Жумаев,
Термиз шаҳри

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаган ҳисомий шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади, дейилади Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 1-моддасида. Шунга мувофиқ, сиз тилга олган жойда ҳам ходим ҳисобланган ҳайдовчининг меҳнатга оид ҳуқуқларига риоя этилиши шарт. Хусусан, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга қўйилган асосий талаблар белгилаб қўйилган. Шулар қаторида бундай фаолият билан шугулланадиган юридик шахслар ҳайдовчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига риоя этишлари шартлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Бош давлат санитария врачси томонидан 2009 йил 4 июнда тасдиқланган "Автомобил ҳайдовчилари меҳнат гигиенаси санитария Қоидалари"нинг 6-бўлимида айтилишича, ҳар бир ҳайдовчининг режими ҳаракатланиш жадвалини ҳисобга олган ҳолда маъмуриятнинг касабга уюшмаси ташкилоти билан келишилган тарзда белгиланади.

Смена давомидидаги дам олиш учун вақтлар ишнинг оғирлиги, қизғинлиги, ташишлар тури ва об-ҳаво шароити инобатга олинган ҳолда ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 9 сентябрда 2506-сон билан рўйхатга олинган "Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг иш вақти ва дам олиш вақти тўғрисида"ги Низом талабларида ҳам ҳайдовчининг иш ва дам олиш вақтига оид ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Унда ҳайдовчилар учун иш вақтининг нормал мuddати ҳафта-

сига қирқ соатдан ошмаслиги керак, дейилади.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг мuddати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) мuddати барча ҳайдовчилар учун камида бир соатга қисқартирилади.

Агар ҳайдовчи учун белгиланган кундалик иш (смена) мuddатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти мuddати бир соатга, иш ҳафтаси мuddати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра, зарур бўлган ҳолларда, хусусан, ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек, бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш мuddати кундузги иш мuddатига тенглаштирилади.

Ҳайдовчиларнинг бир суткадаги бошқарув даври тўққиз соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Шаҳарлараро ташишларда ҳайдовчининг автотранспорт воситасида ўн икки соатдан ортиқ бўлиши кўзда тутилган ҳолларда, ҳайдовчи дам олиш учун жой жиҳозланган бўлиши ва рейсда икки нафар ҳайдовчи бўлиши лозим.

Ҳайдовчилар шаҳарлараро ташишларда автотранспорт воситасининг узлуксиз бир ярим соат бошқарувида сўнг ўн беш дақиқа ёки тўрт ярим соатдан сўнг қирқ беш дақиқа дам олиши учун тўхташлари керак.

Ҳайдовчилар куйидаги ҳуқуқларга эга:
иш сменаси мобайнида дам олиш ва овқатланиш учун таънаффусга чиқиш (тушлик таънаффуси);
ҳар кунлик (сменалараро) дам олиш;
ҳар ҳафталик дам олиш (дам олиш кунлари);
байрам кунларида дам олиш;
ўрнатилган тартибда таътилга чиқиш.

Бир ҳафтадан ортиқ даво-

мийликдаги шаҳарлараро ташишларда банд бўлган ҳайдовчиларга, сафар даврида ҳар ҳафталик дам олиш кунидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаса, ҳайдовчи доимий иш жойига қайтиб келганидан сўнг ишланган вақт учун дам олиш кунини (отгул) берилиши лозим.

Иш вақтини умумлаштирилган тарзда ҳисоб-китоб қилиш ҳайдовчиларга ҳар кунлик дам олиш кунлари смена графикларига асосан ҳафтанинг турли кунларида белгиланиши мумкин.

Ҳайдовчиларни байрам кунлари иш берувчининг фармоиши билан ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 130-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш, техника шароитлари ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган юк ортиш ва тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаганга йўл қўйилади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Яъни бундай кунлардаги ишлар учун камида икки ҳисса микдорига ҳақ тўланиши лозим. Тўланадиган ҳақнинг аниқ микдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунини (отгул) бериш билан қопланиши мумкин.

Байрам ёки дам олиш кунидидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш кунини берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса микдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Ёш ходимга имтиёз

Менинг ўғлим шу йили коллежини тамомлади. Лекин олий ўқув юртига ўқишга киролмади. Шунинг учун бекор юрмаслик мақсадида ишга кирмоқчи бўлиб, иш излади. Маъқул келган жойларда бир-икки ой синаб кўрамиз, ўтсангиз, ишга оламиз, дейишибди. Олдин синаб, кейин ишга олишлари тўғрими?

Ш.Актамов,
Тайлоқ тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига мувофиқ, ишга қабул қилишда ходимнинг топширилган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш, ходим меҳнат шартномасида шартлашларга ишнинг давом этиширининг мақсадида мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш мақсадида уч ойгача бўлган мuddатга синов мuddати белгиланиши мумкинлиги қайд қилинган.

Агар дастлабки синовини ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашув бўлмаса, ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, мазкур модда талаби бўйича ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача мuddатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайдиган, деб белгиланган эди. Лекин "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги 2013 йил 7 октябрдаги Қонунга мувофиқ, Меҳнат кодексининг ушбу моддасига ўзгаришлар киритилди. Шу йилнинг 8 октябридан қўйиб қирған мазкур ўзгаришларга кўра, юқорида тилга олинган шахслардан ташқари, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга қираётган битирувчилар ҳам ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги қайд қилинди.

Бундан ташқари, мазкур ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, Меҳнат кодексининг айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча қафолат ва имтиёзлар белгиланган XIV боби "Таълим муассасаларининг битирувчилари учун қўшимча қафолатлар" деб номланган 247-1-модда билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек, давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга қирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик мuddат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт.

Меъёри йўқми?

Мен ҳар кун ишга шаҳар автобусида қатнайман. Олдинлари деярли барча бекатларда шу бекатдан ўтадиган автобус рақами, ўтиш вақтлари белгиланган жазва бўларди. Лекин ҳозирда бу жазва аксарият бекатларда йўқ. Бу ҳам майли, автобуслар ўзлари хоҳлаган вақт ва шарафига қараб юради. Бу ҳолатни тартибга солувчи меъёр борми?

Ҳ.Эгамова,
Бектемир тумани

Бор, албатта. Бу каби ҳолатлар 1997 йил 25 апрелдаги "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 17 декабрда 1194-сон билан рўйхатга олинган "Шаҳарлараро, шаҳар атрофи ва шаҳар ҳудудида катновчи автотранспорт воситаларининг мунтазамлигини аниқлаш бўйича йўриқнома" талаблари билан тартибга солинади. Хусусан, тилга олинган қонуннинг "Шаҳар йўловчилар транспортининг ҳаракат жадвали" деб номланган 20-моддасида шаҳар йўловчилар транспортининг ҳаракати ташувчи томонидан шаҳар йўловчилар транспорти бошқаруш органи тасдиқлаган ҳаракат жадвалига мувофиқ ташкил қилинади, дейилади.

Барча бекатларда, охириги ва тўхтаб ўтиш манзилларида йўналишининг номи, тартиб рақами ва ҳаракатнинг оралиқ вақти тўғрисидаги маълумот лавҳаси жойлаштирилади.

"Шаҳарлараро, шаҳар ат-

рофи ва шаҳар ҳудудида катновчи автотранспорт воситаларининг мунтазамлигини аниқлаш бўйича йўриқнома"нинг 5-бандида автотранспорт воситаси рейсга йўналиш назоратчиси томонидан вақтида жўнатилиб, барча белгиланган назорат пунктлардан келиш вақтларига риоя этган ҳолда, охириги белгиланган пунктга йўл қўйилиши мумкин бўлган нуқсонларни эътиборга олган ҳолда ўз вақтида етиб келиши мунтазам дейилади.

Бундан ташқари, йўналишдаги ҳаракатнинг бажарилиши ҳам баҳолаб борилади. Ҳаракатнинг мунтазамлиги эса тилга олинган йўриқнома талаблари бўйича иккита шартга риоя этилиши билан таъминланади:

а) йўналиш учун белгиланган барча рейслар тўлиқ бажарилганда;

б) автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ҳаракатланиш жадвалига аниқ риоя этилганда ва барча ҳайдовчилар томонидан ҳар бир рейсининг таъминланишида.

Қоидабузарга имконият

Яқинда ишдан уйга қайтаётганимда йўл-патруль хизмати хойими мени тўхтатиб ва автомашинам чироқлари стандартга тўғри келмаслигини айтиб, баённома расмийлаштирди. У билан қанчалик баҳslashсам ҳам гапимга ишонмади. Унда ҳеч бўлмаса шу ернинг ўзида жарима тўлаш мумкинлигини сўрасам ҳам инобатга олмади. Бундай тартиб бекор қилинган, дейди. Шу тўғрими?

З.Холиқов,
Қўйи Чирчиқ тумани

Бундай тартиб ҳали бекор қилинганча йўқ. Сабаби, бу каби ҳолатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 5 июлда рўйхатга олинган "Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги йўриқноманинг 6-бандида қайд қилинган, содир этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шу жойининг ўзида жарима солиш мумкинлиги ҳақидаги тартибга ўзгари-

риш киритилганча йўқ. Бирок бундай тартибни қўллаш учун ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бундан олишидан ташқари, у содир этган ҳуқуқбузарлик учун солинадиган жариманинг микдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ошмаслиги лозим. Бундай пайларда баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида ҳуқуқбузарга белгиланган шаклдаги жарима қвитанцияси берилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талон қайтарилади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса, бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасига ҳамда тахририятнинг «huquq@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб бери.

Кейинги пайтда такси ҳайдовчиларининг ҳаётига таҳдидлар бирмунча кўпайиб қолди. Ҳалол меҳнатга тоқати бўлмаган икки-уч нафар йигит йиғилиб, қанадай қилиб осонгина чўнтақларини қаппайтириш ҳақида мунозара бошлашса, бирор киракашни тунаш режаси маъқулроқ кўринмоқда. Негаки, такси ҳайдовчиси билан бирор манзилга олиб бориб қўйиш бўйича савдолашиб, машинага ўтиргач, уни жинорий режани амалга ошириш учун қулай бўлган ҳудудга бошлаб бориш ва гумдон қилиш мумкин. Худди шундай ўй билан бир жинорий гуруҳга бирлашган янгийўллик йигитлар, агар ҳайдовчи фаол қаршилик кўрсатиб, уларнинг қўлидан қўтулиб қолмаганида, бир инсоннинг умрига зомин бўлишлари мумкин эди.

Тавбасига таянмаганлар

Шўҳрат ТОШНАЗАРОВ,
Тошкент вилоят прокурори ёрдамчиси

Яши отга бир камчи, ёмон отга минг камчи, деган нақл бор халқимизда. Агар Ҳаким Йўлбарсов ва Сардор Келдиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "бир камчи"дан тегишли хулоса чиқариб олганларида, такрор жиноятга қўл уришмаган бўларди. 2006 йили Янгийўл туман судининг қарори билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бу икки йигит 2010 йилда жазодан шартли равишда озод қилиниб, жазони тўлиқ ўтамай туриб, яна жиноят қўчасига "қадам ташлашди".

2012 йилнинг 21 май кўни Ҳаким, Сардор ва Самад уфатчилик қилиб ўтириб, транспорт воситасини олиб қочиш ҳақида маслаҳатлашиб олишди. Режани қандай амалга оширишни келишиб олган уювчон шу кўни соат 23:00лар атрофида "Худайберган" ресторани олдида пайдо бўлишди. Такси тўхтатиш учун қўл узатиб туришганида, уларнинг ёнига "Матиз" автомашинаси келиб тўхтади. Йигитлар ҳайдовчи Сарвар Бакиров билан Чиноз туманидаги Эски Тошкент кўрғонига олиб бориб қўйишга келишиб, машинага ўтиришди. Машинани айтилган манзил томон ҳайдаган ҳайдовчи йўловчиларнинг илтимоси билан йўл-йўлакай Ислохот қишлоғига ҳам кириб, Шаҳбоз Қўлдошовни миндириб олди. Сўнг Олмазор кўрғонига бориб, овқатланиш баробарида йигитлар пиво ҳам сиғиринишди. Бу пайтда соат миллари туғни унга қараб кетаётган эди.

Чойхонадан чиққач, йигитлар ҳайдовчига Шаҳбозни уйига олиб бориб қўйиш кераклигини айтишгач, Сарвар машинани Ислохот ҚФЙ томонга ҳайдар экан, олдида Ҳаким минималар кутаётганини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Чўки, йўловчилар аллақачон ҳайдовчини қандай гумдон қилиш режасини пиштириб қўйишганиди. Олд ўриндиққа Ҳаким жойлашган бўлса, ҳайдовчининг орқасига Самад, ўртага Шаҳбоз ва унғ эшик томонга Сардор ўтирганди. Машина қишлоқ ичига кириб келганида, Самад ҳолатга чиқмоқчилигини айтиб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради. Машина йўл четига тўхтаган, қўтилмаганда Самад орқадан ҳайдовчининг томоғидан бўға бошлади. Сардор эса жабранувчининг елкасидан босиб, қаршилик кўрсатишга имкон қолдирмади. Бундан фойдаланган Ҳаким С.Бакировнинг боши ва энса қисмларига ура кетди. Натижада ҳайдовчи ҳушини йўқотди. Мазкур жиноятнинг гувоҳи бўлган Шаҳбоз ҳеч нарса билмагандай уйига жўнади. Йигитлар эса жинорий ҳаракатларини охирига етказиш мақсадида Сарварни ўриндиқдан тушириб, машина юқонасига ортиш ҳаракатига тушишди. Аммо ҳайдовчи ҳушига келиб қўлиб, қаршилик кўрсатди ва уларнинг қўлидан қочиб қўтулишга маваффақ бўлди...

"Бир камчи" камлик қилган жиноятчилар яна бир қарра суднинг қора курсисига ўтиришди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан айбланувчиларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, судир этилган жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаган Шаҳбоз Қўлдошов ҳам жазодан "бебаҳра" қолмади. Суд томонидан унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даъомати ҳисобига ўшлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.



Надомат чорраҳасида

Суд залида ўтирган йигитнинг боши эгик. Кўзлари маъюс. Бошидан ўтганларни таҳлил қилади ўзича. "Эҳтимол, ўшанда бу йўлга кирмасам, шунча ташвиш бўлмасмики?", ўйлай у.

Бекмурод КАРИМОВ,
Олтинқўл туман прокурори ёрдамчиси

Унинг кўзлари кеч очилди. Афсуски, жуда кеч очилди. Гулдек аёли, фарзанди кўз олдида келди. Рустам Маликов чиндан ҳам мана шу нонақбул йўлга кирмаганида, барчаси бошқача бўлиши мумкин эди.

Бундан бир неча йиллар муқаддам Сирдарё вилояти, Оқолтин туман суди томонидан жавобгарликка тортилди. Жазони охиригача ўтаб бўлмасидан, амнистия актига мувофиқ озодликка чиқди. Шундан кейин тинчгина юриб, рисоладагидек турмуш кечириши мумкин эди. Таассуфки, ўрганган кўнгил яна ўртади, уни боши берк, хою ҳавас кўчалари томон етаклади. Мана натижаси! Жиноят ишлари бўйича Олтинқўл туман суди ҳайбати, холислар ва гувоҳлар унинг тақдирини устидан ҳукм чиқариш учун жамланган.

Рустам аниқ эслолмайди, ўн саккиз ё ўн тўққиз ёши арафасида чекиш йўли билан гиёҳванд модда истеъмол қила бошлади. Ўзи истиқомат қиладиган Баликчи тумани Хўжаобод қишлоғи ҳудудидagi далаларда, йўл четидаги пана-пастқамда қаровсиз ҳолда ўсадиган ёввойи наشا ўсимлигини топиб, яширинча чекиб юрди.

Уша пайтларда у кун келиб шу аҳволга тушишини хаёлига келтирмас, қилаётган ишини шунчаки бир ҳавас, деб биларди. Шунинг учун олмайди ҳолга келгандагина, тамомила оғу гирдобиди қолганини англаб етди. Бу пайтда ёши қўлидан кўчган эди, атрофдаги ақли бутун одамларнинг йўлдан қайтаришга уринишлари ҳам зое кетди. Кунлар эса бир маромда ўтиб борарди. Ўзига ўхшаган кимсалар ҳам тезда топила қолди. Биридан бўлмаса, бошқасидан олиб чекадиган бўлди. Бу ёқда уйдагиларнинг нима еб, нима ичаётгани уни заррача қизиқтирмас, аллақачон ўз қобилигига ўралаб қолганди.

Кунларнинг бирида у бир юмуш юзасидан Қўштепа бозорига Мамасоли исмли шахс билан танишиб қолди. Қўринишидан истарали бу одам "қахрамонимиз" да илиқ таасурот қолдирди.



Кўп ўтмай Мамасоли унинг уйига кириб келди.

— Нима хизмат? — сўради уй эгаси.

— "Дори" керак бўлиб қолди, — деди меҳмон.

— Э, "дори" отликқаям йўқ. Қолаверса, ҳозир изламай ҳам қўйим.

— Негача?

— Ташвиш кўп, иш бошдан ошиб ётибди. Бирини тамомламасингдан бошқаси чиқади.

— Айтинг, агар қучимиз етса, биз ҳам қараб турадиган хилдан эмасмиз.

— Раҳмат. Бир тарафдан қўшимдан қарзга гўшт олганман. Унга ўттиз тўрт минг сўм беришим керак. Яна бошқа қарзларим ҳам бор.

— Тўғри, — унинг гапини тасдиқлади меҳмон. — Бола-чақаним уйламаса бўлмайди. Рўзгор — гор, деб бекорга айтишмайди.

— Шунинг учун ҳам ҳозир кўнгилга қил сиймай турибди. Сиз сўраган нарса йўқ.

— Топиб бермасангиз бўлмайди, — қатъий сўради меҳмон. — Жудаям зарур!

— Бўлмаса, беш-ўн кундан кейин келинг, — деди Рустам.

— Йўқ, бўлмайди, — ўжарлик қилди Мамасоли ҳам бўш келмай, — Бугун уйда жўраларга гап бераётгандим. Бир иложини қилинг. Мана сизга ўттиз беш минг. Буни олинг-да, қарзингиздан қўтулинг... Машойихлар "Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин", деб бекорга айтишмаган. Олинг!

Пулни кўриб, Рустамнинг авзойи ўзгарди. Аммо қўл чўзгиси келмади. Мамасолининг қистовидан сўнг олиб, чўнтагига солди.

Рустамнинг аслида ҳеч қандай қарзи йўқ, бу фақат Мамасолига қилаётган ҳийласи эди. Меҳмонни қузатгач, қишлоқ марказидаги дўконга борди. Бир шиша вино олиб ичди. Сўнггра Мамасолига берган ваъдасига қўра, Қорадарё бўйидаги далалар томон юриб кетди. Нихоят, бир туп наша ўсимлигига қўри тушди ва қувониб кетди. "Шуни олиб бориб берсам бўлаверади", ўйлади ўзича. Шундай қилди ҳам. Нашани териб олди-да, эски газетга парчасига ўраб, қуртасининг чўнтагига солиб қўйди. Мамасолининг уяли алоқа телефонига сим қоққан эди, у ёқдан дарров жавоб кела қолди.

— Топдим, — деди Рустам.

— Дарё кўпригида машинаман билан кутиб турибман, — деди Мамасоли унга жавобан.

Рустам тезда етиб келди. У газетга парчасига ўралган оғунни танишига тутқазган ҳам эди, ёнига икки-уч нафар одам келиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишди. Шу билан ҳаммаси тугади. Мана энди...

Ҳозир Рустамнинг кўз ўнгидан барча воқеалар кинотасмадек ўта бошлади. "Энди нима бўлади?" ўйлади у. Шу вақтда унинг қилмишларини атрофича ўрганиб чиққан суд ҳайбати ҳукмини эълон қилди. Унга қўра, таркибиди фаол гиёҳванд модда сакловчи кўп микдордаги ўсимлик уруғини моддий манфаат кўриш мақсадида сотган Рустам Маликов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига қўра, етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Энди жазони ижро этиш мобайнида унга мажбурий йўсинда даволлаш чоралари ҳам қўлланилади.

Зора, шу сабаб бўлиб "қахрамонимиз" оғу гирдобидан қўтулиб кетолса. Қолаверса, суд залидагилар ҳам бу жазо навақрон йигитнинг тўри йўлга қайтишига сабаб бўлишдан умидвор эдилар. Кошки, шундай бўлса!

Суиистеъмолчилик кечирилмайди



Ҳар бир инсон жамиятга ўз ўрнини топиб, қимматли сарни интилар экан, эҳ аввало, олган билими ва қатъиятнинг берган ўнгиларига таянади. Шундан бўлса керак, бундайлар ўзлари меҳнат қиладиган жамоатда ҳам ҳурмат-эътибор қозонадилар. Аммо биргина қалтис ҳаракат сабаб, зумда мисқолаб йиғилган обрў-эътиборни йўқотиб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас экан.

Фикримизни Қонимех туман Давлат солиқ инспекцияси солиқ текширувлари шўъбаси раҳбари Фарҳод Мамедов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва мазкур инспекциянинг юридик шахсларга солиқ солиш шўъбаси бош инспектори Ҳаким Каттабековларнинг иш фаолияти мисолида давом эттирсак. Улар ўз ишига талабчан ва меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат

Шавкат ҲАСАНОВ,
Навоий вилоят прокуратураси АИИБ терговчиси

қозонишган эди. Бироқ шайтоннинг измига тушдилар-у, элу юрт орасида юзлари шуват бўлди.

Икковлон туман ДСИ бошлиғининг 2012 йил 12 ноябрдаги тегишли буйруғига биноан, "Исат-Қанот" фермер ҳўжалигида ўтказилган режали текшириш давомида чўнтақларини қаппайтириб олишни ният қилишди. Ҳўжалик мутасаддилари жами 5 млн. 863 минг сўмдан ортққ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мавжудлигини ҳисоботларда яширишган экан. Мазкур ҳолат солиқчилар учун аини муддао бўлиб, аниқланган қамчиликини "текислаб" беришни сўраган фермер ҳўжалиғи раҳбари Н.Исмоиловнинг "илтимоси"ни рад эта олишмади.

Фарҳод Мамедов ва Ҳаким Каттабековлар солиқларни қамайитириб кўрсатиш эвазига 1 млн. 500 минг сўм микдорида пул талаб қилишди.

Фермер ҳеч иккиланмай мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Ўтказилган тезкор тадбирда Ф.Мамедов Н.Исмоиловдан 1 млн. 500 минг сўмини пора тариқасида олаётган вақтда қўлга тушди.

Шу тариқа хизмат лавозимини суиистеъмол қилган Ф.Мамедов ва Ҳ.Каттабековлар одил суд олдида қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

Яхши отга бир қамчи...

Жавлон Шамсиддинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аслида коллеж талабаси, айти дамаа билим олиши, касб-хунар ўрганиши лозим эди. Афсуски, у вояга етатган оилала "шўрвани чангалла тутиб турувчи" пулни ўрни жуда юқори экан. Айнан шу ҳолат унинг тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайилган, дарста бориш ўрнига қандай қилиб бўлса-да, даромад топишни ўйлайилган бўлиб қолиди.

Орада танишларининг ёрдами билан ноқонуний тарзда валюта айирбошлаш ҳадисини ҳам олди. Бунда у ўзига аввалдан "синашта" бўлиб қолган Азамат, Ботир, Ҳамид ҳамда Самадга суянар, улар орқали "операция" бажарарди. Чунки, баъзида "клиент" ларига кўп миқдорда хорижий ёки миллий валюта керак бўлар, бу "муаммо"ни ҳал этишни эса бир ўзи уйда қолмасди.

Жорий йилнинг март ойи бошларида унга нуфузли ташкилотлардан бирида ҳисобчи бўлиб ишлайдиган таниши Азамат кўнғироқ қилиб қолди.

— Жавлон, биттасининг қирқ беш миллион сўмини доллар қилиш керак экан, — деди у салом-алиқдан кейин. — Топиб бероласанми?

— Гап йўқ! — жавоб қилди Жавлон. — Қачон, қаерда учрашамиз?

— Улар билан ўзинг кўришсан... Ҳозир телефон рақамини бераман...

Жавлон телефон орқали Азаматнинг таниши билан гаплашгач, кечки пайт айтилган миқдордаги АҚШ долларини топиб беришни ваъда қилди. Кейин "катта фойда"

илинжида ҳамтовоқлари Ботир, Ҳамид ва Самад билан бирга ҳаракатга тушиб кетди. Кўп ўтмай "бўюртма" бажарилди.

— Бу катта пул... — деди у шерикларига эҳтиёткорлик билан. — Аввал сизлар бориб пулни кўрасизлар. Агар "ўрнида" бўлса, кейин мен долларни олиб бораман...

Режага кўра, Ботир билан Ҳамид эрталаб кўнғироқлашган йигит айтган манзил — Наманган муҳандислик педагогика институтининг орқа томонига йўл олишди. Чиндан ҳам ўзини Топиб деб таништирилган йигит 45 млн. сўм пул билан уларни кутиб турарди. Ботир уни кўздан кечириб, ишонч ҳосил қилгач, Жавлоннинг уяли телефонига кўнғироқ қилди:

— Пул тўлиқ экан, келавер!

Жавлон етиб келгач, ҳамтовоқлар Топибнинг машинасида бўлган пуллари санашга киришилди. Сўнгра унинг бир қисмини Жавлоннинг, қолганини Ботирнинг автомашинасига жойлаштиришди. Айни пайтда уларнинг ҳар бири ушбу "операция" ортидан топадиган ўз "улуши" ҳақида ўйлар, дам-бадам ат-

Фаррух ПҲЛАТОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи


рофга олазарақ боқиб кўярди.

Ниҳоят, иш якунланди. Кутилмаганда СВОЖДЛҚК департаменти ходимлари пайдо бўлишди-ю, тўртовлон нима қиларларини ҳам, нима деярларини ҳам билмай қолди. Чунки, автомашина салонидидаги 16 минг 489 АҚШ доллари ва 45 млн. сўм пуллар уларнинг ноқонуний қилмишларининг исботи эди.

Расмийлаштириш ишлари якунлангач, жиноят иши кўзга-тилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. Кейин суд бўлди. Ушбу жиноий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси суд ҳукмига кўра жиноий жавобгарликка тортилди.

Буни қарангки, судланувчиларнинг бири обрўли ташкилотда ҳисобчи, икки нафари коллеж ўқитувчилари ва бири коллеж талабаси экан. Шу ҳолатнинг ўзиёқ кишини ўйга толдиради. Ёшларга зиё улашадиган устозларнинг ўзлари ноқонуний ишларга аралашиб юрган бўлса, улардан "ибрат" олаётган талабалардан нима кутиш мумкин?

Халқимизда "Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи", деган нақл бор. Ушбу жазо судланувчиларга ҳулоса чиқариб олишлари учун етарли. Аксинча иш тутсалар, буни ўнглаш жуда қийин кечади.



Республикаимизда тадбиркорлик ортидан ҳалол даромад топиб, аввало ўзи, қолаверса, халқ фаровонлигини яхшилаш истидада бўлганларга кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонуний кафолатланмоқда. Лекин бориға қаноат қилмай, ноқонуний йўллар билан мўмай даромад топиш илнжиди бўлган "учар бизнесмен"лар ҳам орамизда йўқ эмас.

Элни алдаганнинг ўзи алданади

Мурат ХАЛИЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Учтепа туман бўлими бошлиғи

"Енгилнинг остидан, оғирнинг устидан" юриб ўрганган бундай кимсаларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида СВОЖДЛҚК департаментининг Учтепа туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда туманда истикомат қилувчи фуқаро Холик Отаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзи яшайдиган хонадоннинг ертўласида қўлбола ароқ ишлаб чиқараётгани аниқланди. Маълум бўлишича, Х.Отаев ўзининг яқин қариндошлари бўлган Содик Отаев ҳамда Фуркат Хайдаровлар билан 2012 йил августдан 2013 йил март ойигача бир неча турдаги, жами 21450 дона 76 млн. 336 минг сўмлик қўлбола ароқ тайёрлаб, уларни хуфийна тарзда сотиб келган. Бундай истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг 15 млн. 960 минг сўмлик 4200 донасини Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Бордонқўл кўрғонидида жойлашган "Гулнора тадбиркор" хусусий фирмаси сотувчиси Рустам Иномовга етказиб беришган бўлса, қолганларини "Ўрикзор" бозори атрофида номаълум шахсларга пуллаб юборишган.

Х.Отаевнинг уйи ертўласи текширилганда, у ердан жами 31 млн. 724 минг сўмлик сохта акциз маркалар, турли этикеткалар, қопқоқлар, спирт ҳамда қўлбола ароқ ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган турли асбоб-ускуналар ва буюмлар топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Бу кимсаларнинг қилмишлари давлатга иктисодий зарар етказибгина қолмай, фуқароларнинг саломатлигини ҳам жиддий ҳавф остига қўйиб, уларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини бузди.

Сохта тадбиркорлар Х.Отаев, С.Отаев, Ф.Хайдаров ҳамда Р.Иномовларнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судида кўриб чиқилиб, уларга қонуний жазо тайинланди.

Ҳар биримиз "Қинғир иш — келтирар ташвиш", деган нақлни тез-тез эшитамиз. Шундай экан, қонунлардан четга чиқмай, доимо ҳалол яшасак, ҳаётимиз осуда ўтиши шубҳасиз.

Тугатишнинг «харажати»

Пахтабод тумани Иттифоқ ҚФЙ Хайрабод маҳалласида яшовчи, 1981 йилда туғилган, туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясининг мутахассиси вазифасида ишлаб келаётган Ботиржон Бахтиёржонов ўзига ишониб топирилган масъулиятли вазифани бажаришда катта ҳатога йўл қўйди. Аниқроғи, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилаётган бир пайтда, айрим тадбиркорлар ҳамёнига кўз олайтира бошлади-ю, кўп ўтмай унинг текин даромад орттириш, енгил-елпи йўллар билан бойиш ҳақидаги "ширин орзулари" пучга чикди.

Тумандаги хусусий корхоналардан бирининг раҳбари корхонаси фаолиятини тугатиш мақсадида туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг рўйхатга олиш бўлимига, яъни Б.Бахтиёржоновга мурожа-

Бахромжон СОТИБОЛДИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Пахтабод туман бўлими бошлиғи

ат қилади. У эса хусусий корхона фаолиятини тугатиш, уни давлат реестридан чиқариб бериш учун тамагирлик йўли билан 100 минг сўм пора талаб қилади. Иложсиз қолган тадбиркор бу ҳақда керакли жойга хабар беради. Б.Бахтиёржонов талаб қилинган пулни туман "Деҳқон бозори" олдида олаётган пайтда СВОЖДЛҚК департаментининг туман бўлими ходимлари томонидан ушланади.

Б.Бахтиёржоновнинг қилмишига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш кўзгатилиб, да суд ҳукмига асосан унга 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Р.Иминджанова кўп йиллардан буён касалликка чалинган опасини даволатиш мақсадида Фарғона вилоят руҳий касалликлар шифохонасига даволатгани олиб келади. Гарчи беморнинг аҳволи доимий ногиронлик нафақаси тайинлаш учун тўғри келса-да, сингил бу ишни тўғрилай олмайди ва бу масалада шифохонанинг собиқ бўлим мудири Н.Кукиевга мурожаат қилади. Муайн унга ёрдам бериши мумкинлигини, аммо "хизмат ҳақи" учун 400 АҚШ доллари миқдорда пул беришини айтгач, ўйлиниб қолади. Чунки, айтини чоғла бунча пул топишнинг имкони йўқ эди.



Нафс алдовига учиб...

Н.Кукиев бўлса бу ишни икки йилдан буён ортага суриб, ногирон аёлдан бирор нарсани униб қолишига умид қиларди. Шу боис у ҳар сафар мурожаат қилган Р.Иминджановани турли баҳоналар, ваз-қарсонлар билан овоза қилишдан чарчамайди.

Р.Иминджанова бошқа чораси йўқлигини билгач, шифокорнинг гапига рози бўлади ва унга айтилган пулни олиб бориб беришни ваъда қилади.

Р.Иминджанова шифохонага айтилган "хизмат ҳақи"ни олиб келгач, улар шифохона ҳовлисида учрашишди. Нафсининг ногорасига ўйнаган шифокор бир жабрдийданинг 400 АҚШ долларини олиб, чўнтагига жойлайди-ю...

Ўз бурчини унутиб, хизмат мавқеидан фойдаланиш орқали бойлик орт-

Шукуралло ҚУНДУЗОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Фарғона
вилоят бошқармаси инспектори

тиришга уринган Н.Кукиевнинг қўлига кишан тақилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари уни жиноят устида, ашёвий далил билан қўлга олдилар. Аслида беморни умрбод ногиронлик нафақасига чиқариш тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан ҳал қилиниши лозим эди. Н.Кукиев эса бунини билгани ҳолда, содда фуқароларни алдаб, ишончига кириб, бойлик орттирмоқчи бўлди. Аммо унинг нияти саробга айланди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан Н.Кукиевга қонунларимизда белгиланган тартибда жазо тайинланди.

4. kmss.res@mail.ru, ryboxhoma



«Асака» банк — тадбиркорлар мададкори

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳалар ривожланиши учун кенг йўл очиб берилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар ишбилармонлар учун юксакликка интилиб, ўз мақсадларига етишларига катта замин яратмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун республикамиз тижорат банклари, айниқса, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан яратилган шароитлар, кўрсатилаётган турли банк хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Банк кредитлари ҳисобига замонавий технологияларга асосланган корхоналар барпо этилмоқда, амалдаги ишлаб чиқаришлар янги технологияларга асосан модернизация қилинмоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳолининг даромадлари кўпайиб,

фаровонлиги ошмоқда. Бу эса Ўзбекистон деб аталмиш ушбу табаррук заминда ҳалол меҳнат қилиб, ўз бахтимга эришшан, деб орзу қилганларнинг ниятларини рўйга чиқармоқда.

Хукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, биз ҳам юртимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссамизни қўшиб, янги иш ўринларини яратиш мақсадида юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи гиламлар ишлаб чиқаришга аҳд қилдик.

Ушбу соҳада иш бошлаб, уни ривожлантириш учун тажрибамиз етарли бўлгани билан олдимизга қўйган режаларимизни амалга ошириш учун сармоя етарли эмас эди. Корхонамизга замонавий ускуналар олиш мақсадида «Асака» банк Самарқанд вилояти филиалига мурожаат қилиб, кредит ажратишни сўралдик. Банк ходимлари бизнинг бизнес режамизни қисқа муддатларда кўриб чиқиб, ўзларининг маслаҳатларини бериши ва кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилдилар. Биз кредит маблағлари ҳисобига замонавий ускуналар олдик ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда жаҳон стандартлари талабига мос келадиган гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариб, республикамиздаги ва хориж-

даги истеъмолчиларга етказиб берамиз. Банк кредитлари ҳисобига 25 та янги иш ўринлари яратилди. Яратилган иш ўринларига асосан касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинди.

«Асака» банк қўмағида катта ютуқларга эришмоқдамиз. Ўз фаолиятимиздан шу нарсга амин бўлдикми, «Асака» банк билан ҳамкорлик тадбиркорликка юксак натижаларга эришиш имконини беради.

Қамол АБДУЛЛАЕВ,
«Sam-Antep-Gilam» МЧК раҳбари

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2013 йил 14 октябрдаги 209 к-П/О-сонли буйруғига асосан 18 ноябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектини сотиб олишга таклиф этади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси тасарруфидига (буяндан буюб «Объект» деб аталувчи) Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) ҳаёси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган майдони 9886 кв. метрга тенг бўлган қурилиш тугалланмаган полилинтика биноси тўғридан-тўғри музокара олиб бориш йўли (оммавий оферта) савдоларида сотилсин.

2. «Объект»нинг бошланғич нархи тўғридан-тўғри музокара олиб бориш йўли (оферта) савдоларидан чиқган санадаги (2013 йил 16 сентябрь) нархида, яъни 1 049 271 287,0 (бир миллиард қирқ тўққиз миллион икки юз

етмиш бир минг икки юз саксон етти) сўм миқдориди белгилансин.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- қисқа муддат ичида (қўли билан 1 йил) қурилиш метёрий қондалари (КМК) талабларига мувофиқ қурилиш тугатиш ва бунинг учун зарур инвестицияларни киритиш;

- «Объект» негизда ташкил қилинадиган фаолият турини «Бизнес режа» асосида амалга ошириш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш.

- сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхта-тилади.

Музокара 2013 йил 18 ноябрь кuni соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-а уй, 205-хонада ўтказилади. Ушбу кuni савдолар бўлмаган тақдирда, 2013 йилнинг 25 ноябрь ҳамда 2, 9, 16, 23 декабрь кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-а уй манзилда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-98, 233-22-83.

Хизматлар лицензияланган

«Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги «Тошкент шаҳар аҳолисини уй-жой ва коммунал шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 2009-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2013 йил 29 июлдаги 590-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимияти Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидига қуйидаги бино ва иншоотлар очик аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилда жойлашган 3-қаватли бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси 1 947 155 863 сўм. Минимал закалат қиймати 292 073 380 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий-5, магазин Мавзук кўчасида жойлашган 1-қаватли бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси 580 129 403 сўм. Минимал закалат қиймати 87 020 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 18 ноябрь

кuni соат 11:00да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикфол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2013 йил 15 ноябрь соат 16:00да.

Ушбу кунда сотилмай қолган ва аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган давлат активларининг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 25 ноябрь, 2, 9 декабрь кунлари соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2013 йил 22, 29 ноябрь ҳамда 6 декабрь кунлари соат 16:00да.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-

сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилиган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камни ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотди шартномаси тўзгилгунча қадар савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»-ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг ХОАТБ «InfInBANK» МФО: 01041, СТИР:302 269 399, 20 208 000 804 975 228 001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ғувоҳноманинг нус-

хаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Қўшимча маълумот олинган манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истикфол кўчаси, 15-уй. Телефон: 150-35-55 Факс: 236-26-65 www.realtor.uz. Email realtor@realtor.uz Лицензия RR-0127.

Хизматлар лицензияланган

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижлик сармоядорлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш Давлат қўмитасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали очик таълово савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Сурхондарё вилоят Ангор тумани Истикфол ҚФЙ, Қорабоғ маҳалласи манзилда жойлашган Ангор туман ҳокимияти тасарруфидига «13-сон болалар боччаси бино ва иншоотлари»

Танловга қўйилган давлат активининг тавсифи: бино ва иншоот ҳудуди 3650,0 кв.м., умумий майдони 738,68 кв.м., фойдали майдони 637,59 кв.м.

Бошланғич нархи: 174 156 484 (бир юз етмиш тўрт миллион бир юз эллик олти минг тўрт юз саксон тўрт) сўм.

Баландса савдочиси: Ангор туман ҳокимияти.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Сурхондарё вилоят Ангор тумани Дўстлик ҚФЙ, Новшаҳар маҳалласи манзилда жойлашган Ангор туман ҳокимияти тасарруфидига «6-сон болалар боччаси бино ва иншоотлари»

Танловга қўйилган давлат активининг тавсифи: бино ва иншоот ҳудуди 7500,0 кв.м., умумий майдони 1322,90 кв.м., фойдали майдони 1161,36 кв.м.

Бошланғич нархи: 239 621 452 (икки юз ўттиз тўққиз миллион олти юз йигирма бир минг тўрт юз эллик икки) сўм.

Баландса савдочиси: Ангор туман ҳокимияти.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан 20 кундан кечиктирмай олди-сотди шартномаси тўлаши.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олинган «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ХОАБ

«Трастбанк» Термиз шаҳар филиали МФО: 01063, СТИР: 207122519, х/р 20208000004920609027.

Танловда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган савдо ўтказиладиган кунни уч соат олдин тамом бўлади.

Инвестиция мажбуриятларининг (қўйиш шакли ва шартлари ёлиб кўрсатилган ҳолда) ва бошқа мажбуриятларнинг энг кам ҳажми: Энг юқори таклиф.

Қўшимча юктамалар тўғрисида маълумотлар: Мавжуд эмас.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2013 йил 18 ноябрь кuni соат 11:00да очилади.

Танлов савдоси шу кuni бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 29 ноябрь, 10 декабрь, 23 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларини ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.

Танлов ҳужжатлари талабгорларига уни олиш пайтида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдоридида тўлов эвазига берилади.

Танлов ҳужжатлари тўловни тўлаш учун банк реквизитлари: ХОАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиали МФО: 01063, СТИР: 207122519, х/р 20208000004920609027.

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчисида талабгор кўйи унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ғувоҳномасининг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилин-

ган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, танловда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси; танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари; сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси, уларнинг тўлаш шакли, муддати ва шартлари; агар бу танлов шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритишлари мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.

Маълумотлар учун телефонлар: Тел: (8-376) 221-77-94.

Факс: Тел: (8-376) 221-77-94.

E-mail: user100@inbox.uz.

Интернет тармоғидида веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқлайдиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақами «Ишонч телефони»га зулиқ билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган



Ибратли умр

Мазмуни ва ибратли умр кечирган инсонларга ҳавас қиласан арзийди. Қўлаб шогирдалар тайёрлаган, ўз иш тажрибалари билан барчага намуна бўла олган инсонлар ора-мида талайгина. Бундай кишиларни ўстоз, дея улуғлаб, уларек бўлишга ҳаракат қиламиз.

юксалтиришдек масъулиятли ва шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири. У киши қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида ҳурмат

қозонди. Меҳнатсеварлиги, ҳодимлар ва ёшларга бўлган ғамхўрлиги ҳамда самимийлиги билан ҳамкасблари эъзо-зига сазовор бўлди.

32 йилдан ортиқ вақт Сурхондарё вилоятида қонуний-лики таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини

муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифага ўзининг муно-сиб ҳиссасини қўшган Аман Луҳманов Музработ туман прокуратурасининг терговчиси, вилоят прокуратурасида катта терговчи, тергов бўлими бош-лиги, Денов туман ва шаҳар ҳамда Сариосиё туман проку-рори, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, прокурор ёрдамчиси, бўлим бошлиги, Термиз шаҳар прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, ша-рафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Инсон қадрини унинг Ватан, эл-юрт, жамият ва давлат ол-дидаги меҳнатлари билан ба-

ҳоланади. Аман аканинг садо-қат ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳукуматимиз то-монидан муносиб баҳолалиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 августдаги Фармонида асосан "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган.

Хурматли Аман ака, кутлуг 70 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга оилавий тинчлик-тотув-лик, мустақкам соғлиқ, хона-донингизга файзу-барака ва узок умр тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси жамоаси
ва Фахрийлари ижтимоий
қўлаб-қувватлаш
жамоатчилиги Маркази

Футбол

Терма жамоамиздан ғалаба

Келгуси йили Бразилия давлатида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида борини имкониятини қўлдан бой берган терма жамоамиз энди бор эътиборни 2015 йили Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати учун бўлаётган саралаш учрашувларига қаратади.

Тўғри, саралаш ўйинларининг би-ринчи ва иккинчи турларига Миржа-лол Қосимовнинг шогирдлари жиддий муносабатда бўлишмади. Сабаби, ўша пайтларда терма жамоаси жаҳон чем-пионати йўлланмасини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилаётган эди. Шу боис, икки ўйинда атиги бир очко жамгарган вакилларимиз учинчи тур-да Вьетнам терма жамоа устидан ғала-ба қозониши керак эди.

15 октябрь кунини Тошкентдаги "Пах-такор" стадионида бўлиб ўтган учра-шуш Ўзбекистон терма жамоасининг 3:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якун-ланди.

Ўйинни кўрмаган одам ҳисобга қараб туриб, терма жамоамиз рақибни осон-гина ютибди-да, деган ҳаёлга бориши мумкин. Бироқ бу ғалаба осонликча қўлга киритилмади. Гарчи Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари илк дақи-қаларданок ҳужумга ташланган бўлиш-са-да, биринчи бўлим давомида рақиб дарвозаси томон йўл топа олишмади. Миржалол Қосимов шогирдлари даст-лабки 45 дақиқаликда жуда суст, ши-жоатсиз ўйин кўрсатишди. Ташаббус вакилларимиз томонидан бўлишига қарамай, рақиб дарвозабонини қийин ахволга солиб қўядиган зарбалар бе-рилгани йўқ. Ўйиннинг боришидан кўнгли тўлмаган Миржалол Қосимов биринчи бўлимнинг ўзидаёқ таркибда

ўзгариш қилишни бошлаб юборди. Таянч ярим ҳимоячи Илхом Юнусов-нинг ўрнига майдонга ёш ва иқтидор-ли футболчи Жамшид Искандеров ту-ширилди. Тўғри, Искандеров биринчи бўлимда терма жамоамиз ўйинини ўзгаришга олгани йўқ. Бироқ иккинчи бўлимда ўзини кўрсатиб, терма жамоа-мизнинг учинчи голига ҳаммуаллифлик қилди.

Терма жамоамиз бош мураббийи иккинчи бўлимни таркибдаги яна бир ўзгариш билан бошлади. Бу сафар ҳам майдонга ёш ва тезкор футболчи чиқарилди. Чап қанотда ўйнаган Жасур Ҳасанов ўз ўрнини клубдоши Сардор Рашидовга бўшатиб берди. Вакилларим-из иккинчи бўлимни биринчисида фарқли равишда шиддатли ва ҳужум-кор тарзда бошлашди. Бунинг натижа-сида рақибларнинг ҳимоя чизигида ха-толиклар кўзга ташлана бошлади. Ўнг қанотда Санжар Турсунов анча фаол-лашди, Жамшид Искандеров ҳам бе-жизга майдонга тушмаганини исбот-лашга киришиб кетди. Чап қанотда эса Сардор Рашидов ўзининг тезкор ҳара-катлари билан ажралиб турди. Айниқ-са, ўйиннинг 64-дақиқасида майдонга тушган ёш ҳужумчимиз Игорь Сергеев терма жамоамизнинг ҳужумдаги ҳара-катларига янгича руҳият бағишлай олди.

Умуман олганда, Миржалол Қоси-



мовнинг ёш футболчиларни майдонга тушириши терма жамоамиз ўйинини кучайтирди. Эътибор беринг, рақиб дарвозасига киритилган 3 та голнинг иккитаси айнан захирадан ўйинга қўйилган ёш футболчиларимиз ҳисоби-га ёзилди. Аввалига ўйиннинг 69-да-қиқасида Сардор Рашидов жарима май-дони ташқарисидан зарба бериб, ҳисобни очди. Иккинчи голда эса Сан-жар Турсуновнинг ҳиссаси катта бўлди.

Турсунов рақиб жарима майдони ичи-да жуда яхши ҳаракат қилиб, Алек-сандр Гейнрихга дарвоза чизигидан гол уриш имконини тақдим этди.

Беш дақиқа ичида рақиб дарвозаси-ни икки бор нишонга олган вакилла-римиз бироз бўшашибди ва натижада орадан тўрт дақиқа ўтиб, Хоанг Элдор-бек Суянов қўриқлаётган дарвозага гол уриб, ҳисобни қисқартирди. Игорь Сергеев эса ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда терма жамоамиз-нинг учинчи голини киритди. Ўша ва-зиятда унга Жамшид Искандеров тўпни етказиб берганди. Шундан ҳам кўри-ниб турибдики, чиндан ҳам ёшларга имконият бериш вақти келди. Вьетнам-га қарши кечган ўйин бунини исботлаб берди.

Хулоса қиладиган бўлсак, терма жа-моамиз ўз майдонида вьетнамликлар-ни йирик ҳисобда мағлуб эттишлари ҳам мумкин эди. Баҳодир Насимов ва Азиз Ҳайдаровлар дарвозабон билан бирга-бир вазиятга чиқиб, имкониятни қўққа совиришдан бўлса, Виталий Де-нисов ҳам қўлай вазиятдан фойдалана олмади.

Шу тариқа қийинчилик билан ғала-ба қозонган Ўзбекистон терма жамоа-си гуруҳда иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Бирлаш-ган Араб Амирликлари терма жамоа-си гонконгликларни 4:0 ҳисобида ма-ғлуб этиб, биринчи ўринни мустаҳкам-лашди.

Осиё чемпионати-2015 саралаш.
"Е" гуруҳи

Ўзбекистон — Вьетнам 3:1

Голлар: Сардор Рашидов (69), Алек-сандр Гейнрих (74), Игорь Сергеев (90+1) — Хоанг (78).

Ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида саралаш баҳсларида қатнашган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақанинг финал босқичида иштирок этиш учун берилган йўлланмага эга бўлди.

Йўлланма қўлга киритилди



Алексей Евстафеев шогирдлари саралаш баҳсларининг сўнги турида қатарлик ёшларга қарши майдонга тушишди ва 2:1 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Биринчи бўлимда унчалик ҳам ишончли ўйин кўрсата олмаган ёш футболчиларимиз иккинчи бўлимда тўлиқ устунликка эришган бўлса-лар-да, якунда мағлубиятдан қутулиб қола олишмади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гарчи охириги турда майдон эгала-рига имкониятни бой бериб қўйишган бўлса-да, Туркменистон, Непал ва Ҳиндистон ёшлар терма жамоалари устидан қозонилган ғалабалар Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритишлари учун етарли бўлди. Му-собақа регламентига кўра, саралаш мусобақасидаги тўққиз гуруҳдан би-ринчи ўрин соҳиблари тўғридан-тўғри чемпионатга йўл олардилар, ик-кинчи ўрин эгаллаган жамоалар орасида энг яхши натижа қайд этган олти гуруҳ вакили қитъа биринчилиги йўлланмасига эга бўларди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўққиз очко жамғариб, яхши натижа қайд этгани сабабли, Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:

huquq@huq-gazeta.uz

Gazeta haftaning poyshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqiriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-8293.46767 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G. ALIMOV
Musahih: M. QAMBAROV
Navbatchi: O. DENQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 123456789

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

